АВЕСТА ИЛОҲИЁТИДА МАЪБУДЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ МОҲИЯТИ ВА ИЖТИМОИЙ-ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ (ВАРАХРАН МИСОЛИДА)

ФУНКЦИОНАЛЬНАЯ СУЩНОСТЬ И СОЦИАЛЬНО-ИСТОРИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ БОГОВ В ТЕОЛОГИИ АВЕСТЫ (НА ПРИМЕРЕ ВАРАХРАНА)

FUNCTIONAL ESSENCE AND SOCIAL-HISTORICAL BASES OF THE GODS IN THE THEOLOGY OF AVESTA (ON THE EXAMPLE OF VARAHRAN)

URAZOVA Rano,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
Associate Professor, Doctor of Philosophy (PhD), of chair "Religious Studies and Comparative Study of World Religions UNESCO"
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
urazovar8@gmail.com

DOI: 10.47980/IIAU/2024/4/10

Аннотация: *Мақолада зардуштийлик илоҳиёти маъбудларнинг функционал моҳияти ва ижтимоий-тарихий асослари Варахран мисолида кўриб чиқилган. Авестада Варахран инсон тафаккурининг эъзози орқали шаклланган тушунчаларни ифодалаши билан зардуштийликда илоҳийлашган табиат культлари дунёқарашидан ўрин олган. Зеро, унинг асосий вазифаси эзгу дунёни ёвузликлардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ. Шунинг учун Варахран ҳарбий салоҳият ва куч-қудрат рамзи сифатида намоён бўлади. Мақолада Варахраннинг вазифалари маъбуд Митра билан қиёсий таққосланиб таҳлил қилинган. Жумладан, Митра кўпроқ илоҳий самовий миссияга эга бўлса, Варахран реал заминий куч эгаси, дея таъкидланган.*

Зардуштга Варахран томонидан илоҳий бахт, омад рамзи Хварнонинг келтирилиши унинг воситачилик функциясидир. Шу сабабли Хварно алқовида илоҳий бахтни сўраб мурожаат қилгувчилар, биринчи галда Зардуштга насиб бўлган ва бу ҳолат азал тақдирда белгиланган дея кўрсатилган. Шу муносабат билан мақолада яна бир мулоҳазага ўрин берилган. Яъни, Пешдодийлар ва Кайёнийларнинг подшолик мартабалари Авеста Яштларининг бир гуруҳида умуман учрамайди. Бошқа гуруҳ Яштларда эса Кайёнийларга Хварно келиши ҳодисаси зардуштийликнинг давлат мафкураси даражасига кўтарилиши босқичида дин пешволари томонидан қадимий асотирларни "тарихийлаштириш" тарзида баҳоланган. Бундан ташқари, Варахранга яна бир хислат берилганки, бу маъбуд жодугарлар томонидан сеҳрланган одамларни сеҳрдан халос қилади. Варахранга намач (patać̣h., яъни ибодат) йўллаб, аҳдида турганларга ҳимоят ёғилади. Варахранга бағишланган намач (ибодат) динда мунофиқлар томонидан адо этилса, улар Зардушт динининг душманлари ҳисобланган. Ахлоқий бузуқ, нокас хотин ёки эр риёкорлик билан Варахранга эҳсон келтирса, эҳсони қабул бўлмайди. Девларга сотилганлар қанча қон тўкиб эҳсон қилса, барчаси бекор кетади. Бу каби лавҳалар иймону эътиқодда барқарорлик, шак-шубҳасизлик талабларини ифодалаган.

Варахраннинг функционал моҳияти ва ижтимоий асослари таҳлили орқали зардуштийлик ўзини якка худога боғлагани билан амалда қадимий кўп худолик анъаналаридан узоқлашмаган дея таъкидлаган. Шунингдек, мақолада Аҳура Маздага эътиқодни мураккаб ибтидоий диний тасаввурлар орасидан ажратиш, бутун борлиқни бошқариш гояси унинг измига юкланиши ўз даври учун мисли кўрилмаган маънавий юксаклик дея баҳоланган.

Калит сўзлар: *зардуштийлик, Авеста, Аҳура Мазда, "Гоҳ"лар, Зардушт, Яшт, маъбуд, Варахран, Митра, Хварно, Хвархшет, Индра, Вароғн.*

Аннотация. *В статье рассматривается функциональная природа и социально-исторические основы зороастрийского богословия на примере Варахрана. В Авесте Варахран, выражая понятия, сформированные органом человеческого мышления, произошел в зороастризме из религиозно-мировоззрения культов обожествления природы. Ведь его главная задача связана с защитой доброго мира от зла. Поэтому Варахран выступает как символ военного потенциала и мощи. В статье анализируются функции Варахрана в сравнении с богом Митрой. Например, утверждается, что Митра обладает более божественной небесной миссией, а Варахран обладает настоящей земной властью. Хварно, символ божественного счастья и удачи, было подарено Заратустре Варахраном. По этой причине говорится, что те, кто просит божественного счастья в Хварно ал-Каве, были в первую очередь предназначены Зороастру, и такая ситуация была предопределена. В связи с этим в статье есть еще один комментарий. То есть царские чины Пешдади и Каяни вообще не встречаются ни в одной группе авестовских Яштов. В другой группе Яштов случай прихода Хварно к Каянам был расценен религиозными лидерами как «историзация» древних мифов на этапе подъема зороастризма до уровня государственной идеологии. Кроме того, Варахрану придан еще один атрибут: это божество освобождает людей, околдованных ведьмами. Защита будет излита на тех, кто молится Варахрану. Если молитву, посвященную Варахрану, совершают религиозные лицемеры, их считают врагами зороастризма. Если безнравственная, развратная жена или муж лицемерно принесут пожертвование Варахрану, то пожертвование не будет принято. Сколько бы крови не пожертвовали продавшиеся дэвам, она вся будет потрачена впустую.*

Такое изложение выражает требования устойчивости и сомнения в вере. Анализируя функциональную природу и социальные основы Варахрана, утверждается, что зороастризм, хотя и привязан к единому богу, на самом деле не отошел от древней политеистической традиции. Также в статье рассматривается выделение веры в Ахура Мазду из числа сложных первобытных религиозных представлений, и идеи управления всем сущим отводятся ему как невиданная для своего времени духовная высота.

Ключевые слова: *Зороастризм, Авеста, Ахура Мазда, «Гаты», Заратустра, Яшт, бог, Варахран, Митра, Хварно, Хвархшет, Индра, Вараг*

Abstract: *The article examines the functional nature and socio-historical foundations of Zoroastrian theology in the example of Varahran. In the Avesta, Varahran, expressing concepts formed by the human thinking, originated in Zoroastrianism from the religious worldview of the cults of the deification of nature. After all, its primary mission is to protect the good world from evil. Therefore, Varahran manifested as a symbol of military power and might. The article analyzes the functions of Vakhran through a comparative analysis with the god Mithra. For example, it is stated that Mithra has a more divine heavenly mission, and Varahran has real earthly power.*

Khvarna plays a crucial role in conveying divine blessings to Zarathushtra. He acts as a link between the heavenly realm and the prophet, ensuring the success of Zarathushtra's mission. For this reason, it is said that those who ask for divine happiness in Khvarno al-Kawa were primarily destined for Zoroaster, and such a situation was predetermined. In this regard, there is another comment in the article. That is, the royal ranks of Peshdadi and Kayani are not found in a group of Avestan Yashts at all. Moreover, another attribute is given to Vakhran, that is, this deity frees people who have been bewitched by sorcerers from their spells. Protection will be poured out on those who pray to Varahran. If a prayer (worship) dedicated to Vakhran is performed by hypocrites in the religion, then they are considered enemies of the Zoroastrian religion. If a morally corrupt, wicked woman or man brings an offering to Vakhran out of hypocrisy, their offering will not be accepted. No matter how much blood is shed in charity by those sold to the devils, it will all be in vain. Such scenes express the demands of stability and certainty in faith and belief.

By analyzing the functional nature and social foundations of Vakhran, the article argues that while Zoroastrianism claimed to be monotheistic, in practice it did not depart significantly from ancient polytheistic traditions. Furthermore, the article praises the idea of separating belief in Ahura Mazda from complex primitive religious concepts and assigning to him the idea of governing the entire universe as an unprecedented spiritual elevation for its time.

Keywords: *zoroastrianism, Avesta, Ahura Mazda, "Ghats", Zarathustra, Yasht, god, Varahran, Mithra, Khvarno, Khvarkhshet, Indra, Varagn.*

КИРИШ

Зардуштийликда яратган зотнинг яккалиги амалда маъбуд ва маъбудаларнинг "Кенжа Авеста"да қайта жонлантирилгани ва эътиқод амалиётининг бўлиниб кетганидан қатъи назар диннинг аслида бузилмас ғояси ҳисобланган. Авеста илоҳиёт тизими ўзининг мифологик асослари билан бир қаторда ибтидоий табиат фалсафаси-натурфилософия ғояларини ҳам акс эттиради (Urazova R., Sayfullaev M., 2020). Авестада муҳим ўрин тутган маъбудлар туркумининг ҳар бир вакилига функционал ёндошув орқали зардуштийликнинг ижтимой, тарихий ва маънавий асосларига кириб борилади (Уразова Р., 2022:5). Агар Митра, Варахран сингари маъбудлар тизими самовий мавҳум тимсоллар сифатида тасаввур этилса, Апамнамат, Хвархшет, Моҳ сингари мабудлар-бири сув, иккинчиси самовий реал қуёш тимсоли, учинчиси эса ойни улуғлашни билдиради ва табиат унсурлари олдида, инсон тафаккурининг эъзози орқали шаклланган илоҳий тушунчаларни ифодалайди, шу муносабат билан мазкур илоҳийлашган табиат культлари зардуштийлик диний-дунёқарашидан ўрин олган (Karomatov H., 2008; Eshmurodov M., 2002:97). Авесташуносликда ушбу тизимнинг моҳиятига алоҳида эътибор бериб келинган. Хусусан, мазкур илоҳий маъбуд зотларга маълум ижтимоий вазифалар ҳам юкланган (Исҳоқов М., 2001:126).

Чунки, Аҳура Мазда яратиш (Ҳолиқлик) функцияси мутлақ (абсолют) даражада бутун борлиқни, шу жумладан, самовий зотларни қамраб олган. Демак, зардуштийлар учун қачонлардир ўзича худо ҳисобланган Митра, Варахран, Ардви Сура, Аштод ва бошқалар ҳам Аҳура Мазданинг измида ҳисобланган. Илоҳиёт яхлитлигини ўзида мужассам этиши лозим бўлган Аҳура Мазданинг барча сифатлари, унинг олтита тажаллилари, ўнлаб маъбуд ва маъбудалар – булар ҳаммаси аслида Зардушт яшаган давр жамиятининг модели орқали туғилган тизим эди (Prabhaananda Swami, 2004). Зардуштнинг якка-ёлғиз худоси Аҳура Мазда "Даҳйу засти" – "Даҳйипати" мақомига, олти эманацион зотлар олий машварат ва турли функцияларга тақсимланган ижтимоий бошқарув бўғинларига, маъбуд ва маъбудалар эса жамият ҳаётининг хўжалик ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларига тегишли идеал моделдан қиёсан юзага келган (Lelekov L.A. ,1980).

Булар Митра гимни, Ардви Сура гимни, Варахран, Тиштрия, Аши, Қуёш гимни ва ниҳоят Аҳура Маздага бағишланган Хурмузд Яшт гимнларидир (Juraev, N.2001). "Яшт"лар дастлаб 22 та бўлган. Лекин улардан 10 тасигина сақланган холос (Iskhoqov, M. 2021).

Авестанинг илоҳиёт тизмида яъзатлар туркуми доирасида "Вератрагна", яъни Варахран номли маъбуднинг ўрни ва мавқеи диққатга сазовор.

Вератрагна (Бахром, Бахран) - Варахраннинг авестача номланиши (Mifologicheskiy slovar, 1990:5).

Бу маъбуд функционал жиҳатдан Митрага яқин туради. Зеро, унинг вазифалари борлиқ эзгу дунёни ёвузликлардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ (Urazova R.T., 2023:515-520). Бироқ, Варахран Митрага нисбатан кўпроқ ҳарбий салоҳият ва куч-қудрат рамзи сифатида намоён бўлади. Митра кўпроқ илоҳий самовий миссияга эга бўлса, Варахран реал заминий куч эгасига ўхшаш ҳаракат қилади (Жўраев Ш., 2009:3). Айниқса, Варахраннинг турли вазиятларда инсон кўзига кўриниш тимсоллари Митрада учрамайди. Митранинг назорат функцияси самовий бўлса, Варахран ўз вазифаларини ерда, гоҳ ўткир тишли ғазабнок қабон тимсолида, гоҳ қўш ўркачли туя кўринишида, гоҳ ўн беш ёшли кучга тўлган навқирон баҳодир йигит тимсолида намоён бўлади. Бу каби антроморф ва зооморф хусусиятлар Зардуштнинг диний ислоҳотларидан олдинги чин маънодаги кўп худолик тасаввурларининг қолдиғи деб баҳоланиши мумкин (Исҳоқов М., 2001:96).

Қолаверса, Варахраннинг илоҳиёт асослари Зардушт ислоҳотларидан кўра қадимийроқ (R.Urazova, 2017). Бу маъбуднинг зардуштийлик илоҳиёт тизимидаги хусусиятларини мутахассислар Ригведанинг Индра номли маъбуди билан қиёс қилишади (Pisani, V.,1948). Чиндан ҳам Ригведанинг Индраси хиндуий диний тизимга кўра бутун илоҳиёт силсиласининг бошида, етакчи мавқеда туради (Низомиддинов Н., 2014:466).

УСЛУБЛАР

Аҳура Мазданинг бандалари олдига зикр шартини қўйиши, буни қоида даражасига кўтариши жаҳон динлари анъаналарида давом этгани маълум. Шу билан бир қаторда "Хурмузд Яшт" таркибида бир қатор илоҳий зотларнинг номлари ҳам қайд этилади ва уларга ҳам эътиқод, номларини зикр этиш савоби ваъда қилинади. Жумладан, "Хварно, эзгу ниятли Сраоша, Хуш яйловли Роман, қудратбардор Вайу, Зруван мутлақлиги, Варахран зафарбардор"ларнинг Аҳура Маздага эш қилиб кўрсатилади. Авестада Вератрагна - Вртрадна деб номланади. Бу сўздаги -д- товуши тиш оралиғи сирғалувчи хусусиятга эга. Муҳими шуки, Вератрагна Авестада зардуштийликка қадар қадимийроқ диний тасаввурлар оламидан "Яшт"ларга олиб кирилган (А. Маҳкам, 2001).

Зардушт Аҳура Маздадан у яратган ибодатга лойиқ зотлар қаторида Варахран хақида сўрайди:

"Борлиқ дунё халлоқи,
Муқаддас руҳ, айт менга,
Самодаги маъбудлар
Ичра ким жанговорроқ? (Исҳоқов М., 2001:94)"

Аҳура Мазда Варахраннинг шаънига намоз лозим эканини таъкидлайди. Бироқ Варахран "Яшти" матни бошида ният сўзларидан кейин 1-банд:

Топинчлар Варахранга
Аҳура Мазда Яратганга деган жумла келади.

Шундан кейин юқорида келтирилган савол тўртлиги берилади.

Аҳура Мазда Зардуштнинг саволига жавобан самодаги "мен яратган маъбудлар ичра илоҳий зот Варахран энг кучли ва жанговаридир", - деб жавоб беради (R. Urazova, 2024:527-553). Мана шу суҳбат устида Варахран биринчи бора Зардушт кўз ўнгида пайдо бўлади. Тимсолий маънода Варахран кучли, аммо хуш ва ёқимли шамол қиёфасида кўринади. Бу шамолнинг қанотларида Зардуштнинг тақдир омади, авестачасига фарн-пайғамбарлик миссияси билан боғлиқ бахт олиб келинган бўлади. Яъни, ёқимли шабада қиёфасидаги Варахран Зардуштга Хварнони, илоҳий хабарни бандаларига етказувчилик-пайғамбарлик маъсулиятини келтиради. Бу манзара Хварно алқовида яна таъкидланган. Хварно - илоҳий бахт, омад рамзи. Фонетик ўзгарган кўриниши фарн, фарр. Кимга фарн (Хварно) қўнса, салтанат - "тахт эгаси бўлади", деб ишонилган. Хварно ёмон ниятли одамлардан қочади. У тутқич бермас нур кўринишида бўлади. Масалан, Ардашер Попак ўғли Сосонийга салтанат бахти - хварно рамзи у минган от саърисида ўтирган оқ қўй каби эргашган, деб ривоят қилинади. Бу ҳол Аршакийлар сулоласи қўлидан тахт кетишининг ифодасидир (Исҳоқов М., 2001:91). Фарн-фарр ўзаги ўзбек, тожик тилларида баъзи сўзлари-исмларни ясашда иштирок этиб келмоқда. Масалан, Фараҳ, Фаррух ва бошқалар. Демак, Варахраннинг функциялари доирасида олий ҳокимиятнинг қонунийлигини асословчи қирраси ҳам бўлган (Исҳоқов М., 2001:95).

Варахран ўз қудратининг манбаи Аҳура Мазда эканлигини таъкидлагани ҳолда Зардушт бундай дейди: "Мен унинг (Аҳура Мазданинг) қудратидан кучлиман. Унинг ҳимояти мен учун иҳота, менман маъмурликнинг боши ва сенга энг меҳрибон, мендан эзгулик хосилдир. Менинг эзгулигим барча дардларга эм бўлади. Одамлар ва девлар ўртасидаги ёвликка барҳам бериб, девларни мавҳ этаман. Девпарастлар, жодугарлар ва динга кирмаган кавийларни барбод қиламан. Ҳақ динга халақит қилувчи карапанларни енгиб, сенга мададкор бўламан" (Исҳоқов М., 2001:104).

Демак, Варахран илоҳий ҳимоят эгаси, ўз қудрати кучи ёрдамида, имонли одамларни ёвузликлардан ҳимоя қилади. Борлиқдаги ёвуз кучларга барҳам беради. Бу ўринда бир қатор тушунчалар изоҳ талабдир.

Масалан, Хварно (бу ҳақда алоҳида тўхталамиз) - илоҳий бахт, омад рамзи, бу бахтга сазовор этилганлардан энг улуғи Зардуштдир. Шу сабабли Хварно алқовида илоҳий бахтни сўраб мурожаат қилгувчилар, биринчи галда Зардуштга насиб бўлган, илоҳий Хварно менга ҳам насиб бўлсин, деган тарзда илтижо қилишади. Қизиғи шундаки, Хварнога эга бўлиш нияти эзгу кучларга ҳам, ёвуз кучларга ҳам хос. Спитама Зардуштга насиб бўлган Хварно Зардуштга нурли сиймо ва бошқа шаклларда эслатма орқали Хварнога бўлган умид ифода этилади. Муҳими шундаки, Хварнони самодан ерга етказиш функцияси авесташуносликда Варахранга тегишли эканлиги илгари қайд этилмаган. Бироқ, Хварнони Эрон шоҳлари, асотирий ҳукмдорлар қўлга киритган деган таъкид қатор ўринларда Яштларда акс этган. Илк подшолик рамзи Жамшид (Йхшайатийа) Кавий-Усан (Кайковус), Сиёваршан (Сиёвуш), Хаосрава (Ҳусрав) ва бошқлар. Ижобий қаҳрамонлар тизими тарихан Зардуштдан аввал яшаганлар деб тушунилса, унда Зардуштга Хварно келиши воқеаси нисбатан кечроқ рўй бергандек. Лекин бу масалада шошилинч хулоса чиқариш ноўрин. Гап шундаки, зардуштийликда “Грано Дмани” - илоҳ Аҳура Мазданинг манзили азалий руҳлар дунёсида яратилган ҳисобланади. Ва улар абадийдир. Руҳлар яратилган пайтдаёқ, уларнинг эгалари жисмига тушиб кўринишидан аввал тақдири илоҳ битилган бўлади.

Авестада Зардуштнинг Хварнога эга эканлиги, азал тақдирда белгиланган деб кўрсатилади. Зардушт Хварноси томонидан келтирилиши бу маъбуднинг воситачилик функциясидан далолат, холос. Шу муносабат билан яна бир мулоҳазага ўрин бордек кўринади. Бу ҳам бўлса, Пешдодийлар ва Кайёнийларнинг подшолик мартабалари Авеста Яштларининг бир гуруҳида умуман учрамайди. Бошқа гуруҳ Яштларда Кайёнийларга Хварно келиши ҳодисаси зардуштийликнинг давлат мафкураси даражасига кўтарилиши босқичида дин пешволари томонидан қадимий асотирларни “тарихийлаштириш” тарзида баҳоланиши мумкин (Р.Уразова, Л.Қўшманова., 2009).

Варахраннинг илоҳий вазифалари қаторида адолат ва иймон қўриқчилиги, инсон ва унинг жамиятида эзгуликлар посбони эканлиги алоҳида ажралиб туради (Kellens J., 1975). Аҳура Мазда яратган эзгу борлиқнинг азалий тартибини безавол сақлаш, Маздага сиғинларга сеҳрли жасорат ва қудрат бағишлаш, “Эзгу фикр”, “Эзгу сўз”, “Эзгу амал” ғалабасини таъминлаш ва умуман эзгулик йўлида ғолибликни рўёбга чиқариш – булар Варахраннинг бевосита вазифаларидир. Варахранга намоз йўллаб мурожаат этиш нақорат сифатида такрорланади. Бунда Варахран тўғрисидаги илоҳий ҳақиқатни билиш имонли инсон учун бахт деб таъкидланади:

Бу бахт учун намозим,
Баралладир овозим!
Қудратли Варахранга
Йўллаб хайр ила эҳсон
Топинурмиз Бахронга (Исҳоқов М., 2001:95).

Аҳура яратган ушбу ибодат ҳолати Варахран Яштида куйидагича таърифланади: Имонли инсон артабон қўлида сут қўшиб шопирилган Хаома ичимлигини тутган ҳолда, нозик гўзал нутқ билан эзгу ният изҳорида туради. Ҳақ сўзини (Авеста матнини) тўғри, тиниқ ва равон талаффуз қилиб зикр қилади. Шу ерда Зардушт “Гоҳ”ларидан кўчирилган қуйидаги жумла келтирилади:

“Йўллаймиз сидқу-дилдан
Намоз[1] да илтижолар,
Аҳура Мазда савоб деб
Буюрган ўшал зотга” (Исҳоқов М., 2001:97).

Бу сўзлар Варахранга махсус намач (ибодат) билан мурожаат этиш Зардушт динида асосланган эканини кўрсатади. Қолаверса, шу каби рефрен нақорат сўзлар Яшт туркумининг барча маъбудларига бағишланган алқовларда доимий равишда такрорланади.

Варахран Яштнинг 7-бандидан бошлаб бу маъбуднинг зооморф кўринишлари берилган. Маъбуд олтин шоҳли буқа кўринишида: олтин мугиз буқадек кўриниб Зардушт томон, иккинчи бор намоён бўлди, шунда Варахран, Аҳурадан яралган. Куч-қудрати шохлари ўртасидан ховур бўлиб осмонга ўралайди. Бу манзара Варахраннинг реал қаҳрамон, қолаверса чорва хўжалигининг эзгулигига алоқадор функциясидан ҳам далолат беради. Буқанинг шоҳлари ўртасидан кўтарилган қудрат ховури унга берилган илоҳий кучнинг самовийлигига ишорат қилади.

Варахран Яштнинг 9-бандида маъбуд оппоқ от тимсолида, олтин юганли, олтин қулоқли бир жийрон, унинг ҳам боши узра илоҳий куч-қудрат кўкка бўй чўзиб турар эди. 11-бандда Зардуштга Варахран маъбуд қудратли туя бўлиб кўринади. У зўридан эпкинини тўхтата олмайди, шиддаткор ва ҳушёр ҳолда ёвузликнинг йўлини тўсишга тайёр.

Зардуштнинг ҳузурида
Қудратининг зўридан
Тўхтатолмай эпкинин
Тўртинчи бора Баҳром
Зўр туя бўб кўринди.

[1] намоз – Авестадаги шакли - namaçḥ. Намоз шакли минтақамиздаги диний амалиётда кенг тарқалган.

Шиддаткор, майин жуни
Кийимбоп, қойилмақом (Р.Уразова, 2022).

Бу туя нортуяларнинг зўри, ўзи қўриқлаб юрган моялари (урғочи туялари) томонига эҳтиросли интилиб ўркачлари гўё тоғ бўлиб, катта-катта кўзлари атрофга оқил боқиб турарди. Танаси кўркам ва улкан, бўйдор нортуя. Унинг кўзлари тунда ҳам ёниб туради. Узоқдан юлдуз мисол оппоқ кўпиклар сочади, деб таърифланади. Бу мифологик манзара баъзи олимларнинг фикрича, сомон йўли юлдузлар тупкумига қиёс қилинади. 15-бандда Варахран Зардуштга Қабон тимсолида кўринади. У ўткир қозиқ тишли, тишлари санчилса ўлдиргувчи, ёвузликларга қарши кутуриб курашувчи, чаққон эпчил ва чапдаст кўринишда. Ва ниҳоят, 27-бандда Варахран 15 ёшли навқирон йигит тимсолида кўзлари тиниқ ва оқил, оёқлари чаққон, қадди басти баланд навқирон сифатида пайдо бўлади. Бу ўринда 15 ёшли деб таъкидланиши бежиз эмас. Зардуштийлар тушунчасида ўғил болалар 15 ёшида ибодатхонага чақирилиб, жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси қилинган. Уларга махсус оқ кийим сидра кийдирилган. Илоҳий сўз ўргатилган. Иймон эътиқод йўлига жалб этилган (Исҳоқов М., 2001:98).

19-бандда Варахраннинг яна бир кўриниши акс этади. Бу Вароғн қушидир. Бу қуш даралар, далалар, тоғлар, дарёлар устидан учиб, борлиқ эзгу дунёни ёмонликлардан ҳимоя қилади. Вароғн камондан отилган ўқдан ҳам тез учади. Ёвуз куч отган ўқнинг кетидан етиб олиб тўхтатади.

Варахраннинг бундан кейинги кўринишлари тоғ архари, ўткир шохли така (эчки) каби зооморф шакллардан иборат. 27-бандда Варахраннинг сўнги кўриниши - девқомат эркак қиёфаси бўлиб, унинг қўлида дид билан безатилган ханжар бор. Бу эркак эътиқодли, иймонли, қудратли ва жанговор бўлиб, Варахраннинг моҳияти билан қўшилиб кетади.

Варахран Яштнинг 2-бобида Зардушт билан дин масаласида баҳс юритувчи, хақ динни инкор этувчи муртадлар билан бахсда ғолиб чиқишни сўраб илтижо қилаётган пайғамбар тимсолини кўриш мумкин. Бу лавҳа ўзи хабар берган дингa даъват қилиш жараёнида Зардушт мухолиф дин пешволари билан тез-тез баҳсга киришиб турганига далолат бўлса керак. Шу туфайли у “баҳсда рақиб сўзларига рад жавоб берганимда, менинг сўзларимга ғолиблик бағишлагин”, - деб илтижо қилади. Бу ҳол Варахраннинг маъбуд сифатида мантиқий фикр ва нотиқлик хислатларининг устидан ҳомийлик каби вазифаси ҳам бўлган, деган тахминга имкон беради.

29-бандда Варахраннинг бир қатор функционал имкониятлари янада батафсил баён этилган. Варахран Зардуштнинг илтижосига жавобан унинг қўлларига куч-қудрат, тану-жонига соғлик бағишлайди, эркаклик қувватини оширади, чидам ва бардош бағишлайди. Зардуштнинг кўзларини шу қадар ўткир қиладики, бу кўзлар Ранҳа дарёсининг тубидаги қилт этган қилни ҳам сезувчи, балиқларнинг кўзидан ҳам ўткир бўлади (Исҳоқов М., 2001:99).

Варахранга яна бир хислат берилганки, бу маъбуд жодугарлар томонидан сеҳрланган одамларни сеҳрдан халос қилади. Зардушт Аҳура Маздага мурожаат этиб, бир масалани сўрайди: “Эй, муққадас Руҳ! Сеҳрлансам агар мен душманнинг жодусидан, қутулмоқ чораси не, иложи не, недир ирим?”. Бу саволга Аҳура Мазда жавоб бериб айтди: “Вароғн қушининг патини ол, астойдил қилиб ихлос, у билан танингни сийпа, душманнинг жодусидан буткул халос бўласан”. Варағн - мифологик қуш. У Авестада “қушларнинг қуши” деб таърифланади. Унинг пати сеҳрли кучга эга деб тушунилади. Кимки ихлос билан Вароғн патини олиб бадани, танаси бўйлаб у билан сийпаса, душманларининг сеҳру жодуси, жинс-амалларидан қутулади, куч-қудратга тўлади. Унга омад кулиб боқади, майдонда довюрак бўлади, зўравон ёки қотил уни ўлдиролмайди. У ўз душманини маҳв этади. Ушбу манзара Вароғн патини ишлатиб қилинган қандайдир расм-русм, ирим, магик хатти-ҳаракатга ишорат қилади. Бу хозирча сақланган укки куши пати ва парларини кийимга қадаш билан борлиқ одатимизга сақланган, дейиш мумкин (Исҳоқов М., 2001:100).

Варахран Яштининг 36-бандидан бошлаб Вароғн патининг хислатлари баён этилади ва бу ҳислатлар Варахраннинг илоҳий хоссаси сифатида талқин қилинади, яъни Вароғннинг пати кимда бўлса, унга омад ёр бўлади, уни ҳеч ким ўлдира олмайди, барча ёвлари енгилади. Қуш пати кимда бўлса, ундан ёмонлар ворислари ҳам баҳраманд бўлади. У пат Кави Усан-Кайковусда бор эди. Вароғннинг қутлуғ патидан у қудрат топган экан. Вароғн пати гўёки ўйноқи тойчоқ, гўёки қора нор туя каби қайноқ, гўё дарё каби қудратлидир, ҳатто Фаридун уч бошли Заҳҳокни (Аждаҳо)ни Вароғн пати борлиги учун енгади. Бу қудрати учун Варахранга намоз йўлласа, унинг уйини молу қўй, қут-бахт билан тўлдирувчи ҳам Варахран... (Исҳоқов М., 2001:102).

Варахран Яштининг 16-бобида Зардушт Аҳура Маздадан қай ҳолларда, қачон Варахранни ёрдамга чорлаш мумкинлигини сўрайди. Бунга жавобан Аҳура Мазда шундай дейди: “Қўшинлар жангга ҳозир бўлганда, ҳар икки қўшиннинг олдида Вароғн пати тутиб турилса, сўнгра қайси томон биринчи бўлиб Варахранга намоз йўлласа ўша томон ғолиб бўлади”.

46-банд Варахран патини сақлаш шарти баён этилган. Аҳура Мазда Зардуштга хабар бериб айтадики: “Кимга пат насиб бўлса, ҳеч кимга билдирмасин. Ота ўз фарзандига, устоз шогирди ва ҳоказо”.

Аммо бу синоатни,
О, Спитамаи Зардушт,
(Кимгаки бўлса насиб)
Ҳеч кимга билдирмасин.
Ота ўз фарзандига,
Ака туғишганига,
Муъбад ўз муридига
Тайинлаб қўйсин буни.
Бу сўзлар қудратлидир,
Қудратли ва мустаҳкам,
Улар ўта пурмаъно
Кучли ва ғолибона.
Қудратли ва шифобахш,
Улар бари шундай-ки,
Зарб остида бўлса бош,
Асрар уни, тегмас тош.
Тиғ солса кимки агар,
Тиғи ўзига қайтар” (Исҳоқов М., 2001:102).

Уруш, сўқиш пайтида иймонли лашкар томонидан қўшин қаторларини Варахран кезиб юради. У сўрайди: “Ким аҳдидан (дин, имон, аҳлидан) қайтган, Митрага берган сўзидан қайтган, ким Рашну фариштасини унутган, уларнинг бошига кулфатлар ёғдиради, дард ва офат йўллайди. Варахранга намоз йўллаб, аҳдида турганларга ҳимоят ёғилади.Уларга ёғий ҳужум қила олмайди. Варахранга бағишланган намач (ибодат) динда мунофиқлар томонидан адо этилса, улар Зардушт динининг асосий душманларидир. Бундайларни Варахран дўзаҳдан қайтармайди. Ахлоқий бузуқ, нокас хотин ёки эр риёкорлик билан Варахранга эҳсон келтирса, эҳсони қабул эмас. Агар ёвуз, риёкор, нокас зотлар кўпайса, ёвнинг эллик зарби юзга, юз зарби мингга, минг зарби туманга тенг бўлади. Девларга сотилганлар қанча қон тўкиб эҳсон қилса, барчаси бекор кетади. Бу каби лавҳалар иймону эътиқодда барқарорлик, шак-шубҳасизлик талабларини ифодалаган (Исҳоқов М., 2001:103).

18-19 бобларда Варахран шаънига ўқиладиган намозларда айтиш лозим бўлган дуоларга бир-икки ишорат учрайди. Айни шу ўринда бир дуо мисол сифатида:

Менинг пайимга тушган ёвларимни хор этай,
Лашкарини тор-мор этай, қўшинини барбод этай (Исҳоқов М., 2001:105).

Варахран Яштининг сўнги бобларида якуний намоз, дуо ва такбирлар акс этган. “Варахранга топинайлик, Аҳура Маздага топинайлик, қабул қилгин Варахран” каби кўплаб ёлвориш, илтижо дуо сўзлари учрайди (Исҳоқов М., 2001:106).

Варахран алқовидаги ёвузликларга қарши жанговар руҳ яна жоду ва жодугарларни қақшатиш каби унсурларни такрор этиб таъкидлайди (Avesta: Book of Videvdot, 2007).

НАТИЖА

Авеста илоҳиётида Варахран – самовий зот, эзгу дунёнинг қудратли қўриқчиси сифатида таърифланади. Зардуштга Ўзидан хабар берар экан, “Мен Аҳура Мазда қудратидан куч топиб, унинг ҳимоятидан ихота топаман. Мен сенга (Зардуштга ва, албатта, имонли одамларга. - У.Р.) энг меҳрибонман. Эзгулик менинг ҳосилим, дард бўлса, мен малҳамман. Мен одамлар ва девлар ёвлигини барбод этаман, алвасти-ю жодугарларни йўқ қиламан...” - дея таъкидлайди (Исҳоқов М., 2001:105).

Зеро, Митра, Варахран каби улуғ ва қудратли маъбудларга Аҳура Мазда иродаси билан борлиқни ёвузликлардан ҳимоя қилиш функцияси юкланган бўлса, Ардви Сура Анаҳита, Аши каби маъбудаларга аёллик гендер мартабаси берилган (R.Urazova, 2009).

Варахраннинг илоҳ Аҳура Мазда томонидан яратилган маъбуд зот сифатидаги вазифалар тизими бутун бир мураккаб туркумки, уларнинг айрим қирралари Митра маъбудининг функцияларига ўхшаб кетади, лекин синчиклаб таҳлил қилинса, улар ўртасидаги фарқ катта эканлигини кўриш мумкин. Аввало, Митра самовий маъбуд сифатида юқори мавқега қўйилган. Унинг ерга алоқадор қиёфалари йўқ, Митра само бўйлаб кезиб юрувчи, юртларни кўриб ва билиб турувчи зот. Варахран эса турли қиёфаларда ерда ҳозир бўлади ва инсоннинг ҳар бир вазиятида эзгулик йўлида хизмат қилади.

Варахран осмон узра куч-қудрати билан ҳарбийларга хос жанговар ҳолатда ёвузликларга қирон солади. Унинг турли намоён бўлиш шакллари табиат билан боғлиқ тасаввурлар меваси: у гоҳ қаттиқ бўрон бўлиб келади, гоҳ қўш ўркачли нор туя, гоҳо ўткир найза тишли қабон мисоли ёвуз кучларни тилка пора қилади ва ҳоказо.

Демак, зардуштийлик ўзини якка худога боғлагани билан амалда қадимий кўп худолик анъаналаридан узоқлашмаган. Бироқ, Аҳура Маздага эътиқодни мураккаб ибтидоий диний тасаввурлар орасидан ажратиш, бутун борлиқни бошқариш ғояси унинг измига юкланиши ўз даври учун мисли кўрилмаган маънавий юксаклик деб баҳоланиши мумкин.

ХУЛОСА

1. Варахраннинг жанговар шиддаткор хусусиятлари, унинг зооморф ва антроморф қиёфалари орқали рўёбга чиқади. Варахран функциялари ҳаётий лавҳаларга яқин ва бевосита амал қилган.

2. Варахраннинг баъзи унсурлари магик қувватга эга. Бу хислат Митрага хос эмас, чунки Митрага илоҳий бирлиги тан олинмасдан олдин, худо сифатида сиғинилган. Зардушт ислоҳотидан сўнг ҳам бу хусусиятини сақлаб қолган.

3. Варахран қадимий мифологик талқиндан зардуштийликка олиб кирилган кўп фукцияли маъбуд зотки, унинг барча вазифаларини Аҳура Мазда берган, дея қараш диний-ахлоқий, ижтимоий фалсафанинг маълум даражада мафкуравий хизмат даражасига кўтарилиши оқибатидир.

4. Варахран Яшт ўзига хос қаҳрамонлик, эл юрт ҳимоячиси шаънига айтилган ҳарбий мазмунга мойил алқовдир. Унда энг қудратли, энг кучли Язат сифатида Варахран олқишланган. Яштларни узоқ ўтмиш, илк давлатчилик жараёнининг ижтимоий-маънавий ҳаётини акс эттирган ёзма тарихий манба сифатида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Авеста. (2001) Тарихий — адабий ёдгорлик / А.Маҳкам таржимаси. Ташкент, Шарқ.

2. Авеста: Яшт китоби / М.Исҳоқов таржимаси (2001). – Ташкент, Шарқ. 5 бет. .

3. Авеста: Видевдот китоби. (2007) М. Искҳоқов таржимаси. Ташкент, ТДШИ нашриёти.

4. Асмуссен Ж. (1994). Iden und begriffe der agrarischen Sphare und ihte bedeutung in der verkundigung Zarathustras. AOF, VII. 1980.

5. Дрезден, М. Мифология древнего мира. Раздел “Иранская мифология”.

6. Исҳоқов, М. (2006) Қадимги давлатчилигимиз тарихидан // Таълим муаммолари. № 1.

7. Исҳоқов, М. (2021) Авеста: Зардушт Гоҳлари (маъно ўгирмалари ва гнрменевтик талқинлари). Ташкент.

8. Жураев, Н. (2001) “Авесто” зарурати // Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик. / Асқар Маҳкам таржимаси. Т. : Шарқ..

9. Жўраев Ш. (2009) Авеста Яштларида маъбудлар. Т. : ТДШИ. 34 б.

10. Эшмуродов М. (2002) Авестада табиат культлари талқини. Т. : ТДПУ. 97 б.

11. Kellens J. (1975). Mythes et conceptions avestiques sous les Sassanides. – MNSN., I.

12. Кароматов Ҳ. (2008). Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. Ташкент, ЖИДУ.

13. Лелеков Л.А. (1980). Рецензия на книгу М. А. Вандамаева, В.Г. Луконина «Культура и экономика древнего Ирана».

14. Лелеков Л.А. (1992) Авеста в современной науке. М. 363 с.

15. Мифологический словарь. (1990). Москва. С. 10.

16. Писани, В. (1948) Аспетти делла религионе прессо гли античи Индеуропеи. Асме И.

17. Низомиддинов Н. (2014) Қадимги Ҳиндистон тарихи, диний эътиқоди ва маданияти. Ташкент.

18. Прабхаананда Свами. (2004) Гаты Заратустра. // В кн. : Священные писания Востока. Краткий путеводитель. Москва.

19. Р. Уразова, Н. Юсупова ва б. (2024) Socio-historical foundations of the monotheism (Ahura Mazda) in Ghats of Avesta. Synesis, v. 16, n.1. P.527-553.

20. Р.Т. Уразова, Л.У.Қушманова. (2011) Зардуштийлик илоҳиёт тизимининг шаклланиш босқичларида Каёнийлар масаласи // Қазақтану (Казаховедение). Чимкент.

21. Р. Уразова. (2022) Зардуштийлик. / Монография. 150 б.

22. Р.Уразова. (2022) Зардуштийлик пантеони: тарихи ва ижтимоий асослари. / Монография. Т. : “Compleks Print” нашриёти. 256 б.

23. Ra’no, T. U. (2017) Religious and social thoughts of the people of ancient India, Central Asia and Iran. Himalayan and Central Asian Studies, 21(1), 61.

24. Urazova, R., Sayfullaev, M. (2020) Description Of Divine Images in The Mythology of Avesta. // In International Scientific and Current Research Conferences.

25. Р.Уразова. (2009) Аши ва Ардви Сура алқовларининг қиёсий таҳлилига доир. // Шарқшунослик, № 1-2.

26. Уразова Р.Т. (2023) Фарғона. Авеста Яштларида Митранинг сифатлари. Фарду. Илмий хабарлар. Б.515-520.

27. Alimova, Mahfuza (2020) “The contribution of Imam Ad-Darimi to the development of hadith science // “The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 15. Available at: https:// uzjournals.edu.uz/ iiau/vol2020/iss2/15.

28. Ra’no, Urazova. (2023) The concept of “Truth” (Arta) in the Avesta // International Journal of Research and Development (IJRD),Volume: 8 | Issue: 5 | May 2023. – P. 213-216. https://eprajournals.com/ IJSR/article/10627

29. Rano, Urazova. (2022) On issues of emanations in zoroastrism. // In Volume 3, Issue 12 of Web of Scientist: International Scientific Research Journal (WoS) Dec., 2022. https:// wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/2963

REFERENCES:

1. (2001) Avesta. Historical - literary monument (in Uzbek). / Trans. by A. Mahkam. Tashkent : Shark.

2. Avesta: Yasht kitobi (in Uzbek) Book of Yasht. / Trans: M.Ishakov (2001). – Tashkent, Shark. 5 бет.

3. Avesta: Book of Videvdot. (2007). / Trans: M. Iskhoqov (in Uzbek). Tashkent : TDSHI publishing - printing department.

4. Asmussen J. Iden und begriffe der agrarischen Sphare und ihte bedeutung in der verkundigung Zarathustras. AOF, VII. 1980.

5. Drezden, M. (1994) Mifologiya drevnego mira. Razdel Iranskaya mifologiya (in Russian).

6. Iskhoqov, M. (2006). From the history of our ancient statehood. // Educational problems, - No. 1. - B. 18-19.

7. Iskhoqov, M. (2021) Avesta: The Hours of Zoroastrianism (interpretations of meaning and hermeneutic interpretations). – Tashkent, 2022. - 304 p.

8. Juraev, N. (2001). Necessity of Avesta. Avesta is a monument of historical literature.Trans: A. Mahkam. – T.: Shark.

9. Jo'rayev Sh. Gods in the Avesta Yashts. – T.: TDShI, 2009.- 34 b.

10. Eshmurodov M. Interpretation of nature cults in Avesta. – T.: TDPU, 2002. - 97 p.

11. Kellens J. (1975). Mythes et conceptions avestiques sous les Sassanides. – MNSN., I.

12. Karomatov H. (2008). History of modern beliefs in Uzbekistan. Tashkent, JIDU.

13. Lelekov L.A. (1980). Review of the book by M.A. Dandameeva, V.G. Lukonina "Kultura i ekonomika Drevnogo Irana". Moscow.

14. Лелеков Л.А. Avesta in modern science. – M., 1992. - 363 c.

15. Mifologicheskiy slovar (in Russian). (1990). Moscow. 10 б.

16. Pisani, V. (1948). Aspetti della religione presso gli antichi Indeuropei. Acme I.

17. Nizomiddinov N. History, religion and culture of ancient India. – T.: «Science and Technology Publishing House», 2014. – 466 p.

18. Prabhaananda Swami. Gaty Zaratustry. (2004). V kn.: Svyashchennye pisaniya Vostoka. Kratkiy putevoditel (in Russian). Moscow, printing house Sofia.

19. R. Urazova, N.Yusupova and others. Socio-historical foundations of the monotheism (Ahura Mazda) in Ghats of Avesta. Synesis, v. 16, n.1, 2024. – P.527-553.

20. R.T. Urazova, L.U.Qushmanova. (2009). The issue of Kayanis in the revival stages of Zoroastrian theology // Kazaktanu (Kazakhstanu). - Chimkent, No.1 (18).

21. R. Urazova. Zoroastrianism. Monograph, 2022. - 150 p.

22. R.Urazova. The Zoroastrian Pantheon: History and Social Foundations. Monograph. – T.: "Complex Print" nashriyoti, 2022. - 256 b.

23. Ra'no, T. U. (2017). Religious and social thoughts of the people of ancient India, Central Asia and Iran. Himalayan and Central Asian Studies, 21(1), 61.

24. Urazova, R., Sayfullaev, M. (2020). Description Of Divine Images in The Mythology of Avesta. In International Scientific and Current Research Conferences.

25. R. Urazova. (2009) On the comparative analysis of Ashi and Ardvi Sura alqaws. // Oriental studies, - No. 1-2.

26. Urazova R.T. Ф. (2023). Attributes of Mitra in the Avesta Yashts. Fardu. Scientific news. – P.515-520.

27. Alimova, Mahfuza (2020) "The contribution of Imam Ad-Darimi to the development of hadith science, "The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 15. Available at: https:// uzjournals.edu.uz/ iiau/vol2020/iss2/15.

28. Ra'no, Urazova. (2023). The concept of "Truth" (Arta) in the Avesta: InternationaJournal of Research and Development (IJRD),Volume: 8 | Issue: 5 | May 2023. – P. 213-216. https://eprajournals.com/ IJSR/article/10627

29. Rano, Urazova. On issues of emanations in zoroastrism. In Volume 3, Issue 12 of Web of Scientist: International Scientific Research Journal (WoS) Dec., 2022. https:// wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/2963